



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 143 (12.204)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг қўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар микёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзига тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиқга оид режали текширишлар ўтказилишини таққиловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги янада тақомиллаштирилган, очиқ ва ошқора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилади. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига боқичма-боқич ўтказиш бошланди.

Республика ва минтақалар бўйича иқтисодийни либераллаштириш ва модернизация қилиш қўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чорақда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.

Натижада, 2000 йил билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодий тармоқларда меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоиздан кўпроги унинг улушига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ялли ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва қишлоқ ҳўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторига ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тад-

биркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартираф этилмаган, иқтисодий тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ношқора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва говларга барҳам берилмаган.

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинган, регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевоқифа мулоқотсиз электрон шакллари ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётда ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва Молия вазирликлари, Марказий банки томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлими маси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган «Бизнесни юритиш» ҳисоботини шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2. Қуйидагилар бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришнинг гоаят муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик говларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкликнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш;

бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётда умум қабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш;
(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолаётган дунёдаги санокли мамлакатлардан биридир. Бу мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» нақадар тўғри ва оқилона бўлганининг амалдаги яна бир ифодасидир. Мустақиллик шарофати ҳамон эришган юксак марраларимизга минглаб мисоллар ва рақамлар келтириш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликнинг бешинчи йилидаёқ жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи санокли мамлакатлар сафидан жой олди. 1996 йил 19 июль кўни Асака автомобиль заводидан биринчи ўзбек енгил автоташнаси чиқди. Мамлакатимиз 1998 йилда Халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчилар ташкилоти – OICAга аъзо бўлди. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот маълумотларига қўра, 2011 йилда дунёда 80 миллиондан зиёд енгил ва юк автомобиллари ишлаб чиқарилган. Ана шу машиналар орасида Ўзбекистон автомобиллари ҳам борлиги бизга чекисиз фахр бахш этди.

Ҳа, мустақиллик шарофати билан биз замонага мос турмуш кеңирмоқдамиз. Кўзимиз ўргангани, анча кўникиб қолганимиз боис бугун кўпчилигимиз истиқлол берган бундай улкан имкониятлар ва неъматларга ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Юртимизда автомобилсозликка Президентимиз

ИФТИХОР

раҳнамолигида бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига асос солинган ва мазкур соҳа замон талабларига мос изчил ривожланаётгани эътиборга олинса, унинг моҳияти ва аҳамияти аён бўлади.

Ўзбекистонга машиналар четдан олиб келинган, навбатга ёзилган кўплаб юрдошларимиз автомобиль ололмайдир армонда кетган даврларни кўпчилик яхши эслайди. Эндиликда ўзининг замонавийлиги, қулай ва хавфсизлиги билан ном қозонган ўзбек автомобиллари ҳамюртларимиз, юз минглаб хорижликларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Бугун автосалонларда турли русумдаги машиналарнинг ўзимизга ёқадиган рангини танлаб олиш имконияти бор.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар уларнинг мақсадлари йўлидаги изланишларида қанот бўлиб, ички бозорда харидор талабига мос маҳсулот турлари ортишида, рақобатбардош товарларининг истеъмолчиларга етказиб берилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиёт МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда ички бозорни сифатли ва замонавий кийим-кечак билан таъминлашда тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта.

Юртимизда фаолият олиб бораётган «Niso tekstile servis» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ички бозорда муносиб ўрин эгалламоқда.

— Тадбиркорларга яратилган кенг шарт-шароитлар ривожланишида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди «Niso tekstile servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мансур Ҳабиялиев. — Фаолиятимизни 2006 йилда бошлаганмиз. 2010 йилдан бошлаб, масъулияти чекланган жамият сифатида иш олиб бормоқдамиз. Аввалига кичик буюртмаларни бажарган бўлсак, бугунги кунга келиб миқозлар сафи ортиб бормоқда. Корхонамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Ишчиларимиз сафи 25 нафарга етди. 70 турдаги трикотаж маҳсулотларимиз ички бозорга етказиб берилади.

— Бугунги кунда «Niso tekstile servis» корхонаси маҳсулотлари мамлакатимиз ички бозорда муносиб ўрин эгаллаб, харидорлар талабини қондиarmoқда.

«Niso tekstile servis» масъулияти чекланган жамияти келажақда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, маҳсулотларини чет мамлакатларга экспорт қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган.

**Зиёда РАСУЛОВА
СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат**



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Бухоро вилоятида ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда сенаторлар, депутатлар, тегишли ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

• Муллаётўчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Яғонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Қизилтепа туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини худудида «Асл пойабзал» кичик корхонаси ишга туширилди. Ҳозир корхонада Андижондан тақлиф қилинган уста қосиблар маҳалла ёшларига пойабзал тикиш сирларини ўргатмоқда.

• Навоий шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуасида «Футболимиз келажаги» анъанавий турнирининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор мутаассадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ёш футболчилари галаба учун кураш олиб борди.

• «Бойсун текс» хусусий корхонасида йилига 10 минг погон метр матога гул бошиш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди. Банкдан ажратилган 500 миллион сўмлик кредит ҳамда тадбиркорларнинг 125 миллион сўмлик сармоясига ҳисобига юзага келган мазкур лойиҳа туфайли 34 кишининг иш билан доимий бандлиги таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 2,64 долларга ошиб, бир баррели 107,86 долларни ташкил этди.

• Кеча Занзибар ороли атрофида паромнинг ҳалокатга учраши натижасида 62 нафар йўловчи сувга фарқ бўлди, 80 киши эса бедарак йўқолди.

• Германиянинг Кёльн шаҳрида Европадаги энг йирик компьютер ўйинлари ярмаркаси очилади. Унда замонавий, юқори сифатли компьютер ўйинлари, кўнгилочар дастурлар, технологиялар ва дастурий таъминот маҳсулотлари намойиш қилинади. Тадбирда ўттиздан зиёд мамлакатдан беш юздан ортиқ мутахассис иштирок этиши кутилмоқда.

• АҚШда автомобиль ёқилғиси нархининг ошиб бораётгани туфайли мамлакатда бензин ва дизель ёнилғиси ўғрилари кескин кўпаймоқда. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Арканзас штатидаги ёқилғи қуйиш шохобчасида қарийб минг галлон (бир галлон 3,78 литрга тенг) дизель ёнилғиси ўғрилган.

• Ирландиянинг Голуэй шаҳри яқинида денгиздан қарийб қирқ саккиз тонна кумуш топилди. Маълумотларга қараганда, 1941 йилда кумуш олиб келаётган «SS Gairsoppa» кемаси немисларга тегишли сув ости кемаси томонидан ўққа тутилган ва чўктириб юборилган. Британиянинг транспорт вазирлиги ва АҚШнинг сув остидан кемаларни тортиб олиш билан шуғулланувчи «Odyssey Marine Exploration» компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан қарийб етмиш йилдан буён сув остида ётган қимматбаҳо юк қуруқликка олиб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ
ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаулиятнинг ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий-хотим ашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда махсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиш бериш; статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш.

3. 2012 йил 1 августдан бошлаб, 1-иловага мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинсин. Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, 1-иловада кўрсатилган масъул ижрочилар – вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари 2012 йилнинг 1 августига бўлган муддатда меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни Фармоннинг ушбу бандига мувофиқ ҳал қилтирсинлар.

4. Қонун илмий тақомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, банклар, Қорақал-

поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Тегишли вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар Дастурига киритилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2-иловада назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, уларнинг ижросини ҳар чорақда ўз мажлисларида кўриб чиқсин ва чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида куйидаги тартиб-таомилларни ўз хошияларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан «Интернет-банкнинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банк-

лари; юрларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси; «бир ойна» тамойили бўйича юрдаги шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикаси «Ерғездекадаст» давлат қўмитаси;

тадбиркорлик субъектларининг давво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатсин.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатишнинг ун-дириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик учун янада кенг эркинлик бериш борасида кўриладиган чора-тадбирлар юзасидан кенг қўламадаги тушунтириш ишлари мунтазам равишда ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқа, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига «ушбу Фармондан келиб чиқади» қўйиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВТошкент шаҳри,
2012 йил 18 июльЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришлар телекоммуникация хизматлари сифатини тубдан ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, халқаро магистрал ва вилоятлар ичидаги алоқа линияларида оптик толали кабель ҳамда рақамли радиорелели линиялар ўтказилди, телевизион ва радио сигналлар узатиш мосламалари модернизация қилиниб, янгилари ўрнатилди, худудларда радиодан CDMA стандартида симсиз фойдаланиш тизими жорий этилди. Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланиш оммалашиб бораётган, миллионлаб абонентлар мобил алоқа компаниялари хизматларидан баҳраманд бўлмоқда. Соҳадаги бундай изчил ишлар давом этмоқда. Ахборот хизматлари бозорига тобора кучайиб бораётган рақобат кўрсатилётган хизматлар сифатини ошириш ҳамда уларнинг нархини пасайтиришнинг тақозо этмоқда.

«East Telecom» Ўзбекистон бозорига қайд этилган алоқа операторлари орасида йирик компаниялардан биридир. У аҳолига кейинги авлод тармоқлари бўйича замонавий хизмат турлари (Next Generation Networks, NGN) – интернетдан юқори тезлик билан фойдаланишдан видеоконференц алоқага бўлган хизматларни кўрсатмоқда. Пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида компания имижига ўзгаргани ва унинг ребрендинг жараёни бошлангани ҳақида эълон қилинди.

Жорий йилнинг 18 июлидан «East Telecom» масъулияти чекланган жамиятининг тезлик, фаоллик ва етакчилигини ифода этадиган янги, рақамли бренди жорий этилмоқда. – дейди ЎзА муҳбирига компания бред-менеджери Бахтиёр Тўхтаев. – Рўй берган ташқи ўзгаришлар кенг қўламли ички ўзгаришлар натижасидир. Яъни, бизнесни ривожлантиришнинг юқори технология модели мижозлар учун мўлжалланган моделга ўзгартирилди. Сотиш шохобчалари очилган 12 вилоят маркази ва Қорақалпоғистон Республикасида бошлаган ишларимиз суръатини оширишни мўлжалламоқдамиз.

Р. БОНДАРЧУК



ИФТИХОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобилсозлик саноатида 18 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Машинасозларимиз автомобиллар учун зарур қўлаб деталларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида иш олиб бормоқда. Утган йиллар давомида бу борада улкан ютуқларга эришилди. Бамперлар, автомобиль ойналари ва ўриндиқлари, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, лок-бўёқ материаллари, ту-тунчиқаргичлар ва зарбага қарши балкалар, ёнлиги баклари, ташқи ёритиш воситалари, жуглар, автомобиль электр ўтказгичлари, аккумуляторлар, гилдирак дисклари ва шасси узеллари, ёнлиги насослари, генераторлар, компрессорлар ишлаб чиқарувчи ва бошқа ўнлаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар мамлакатимиздаги икки юздан зиёд корхоналар билан кооперация алоқаларини йўлга қўйган.

Миллий автомобилсозлигимиз келажаги юқори ма-лакали ёш мутахассисларга боғлиқ. Шунинг учун Асака автомобиль заводида ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини юксалтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Корхонада меҳнат қилаётган ишчи ва муҳандисларнинг кўпчилиги хорижда ўқиб, малака оширган. Бу ерда Тошкентдаги Турин политехника университети, Андижон маши-насозлик институти, Фарғона политехника институти талабалари, шунингдек, Асака ва Самарқанд автомо-билсозлик коллежлари ва бошқа қўлаб касб-хунар коллежлари ўқувчилари амалиёт ўтамоқда. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети автомо-билсозлик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини муҳим бўлинига айналди. Ушбу таълим муассасасида машинасозлик технологияси, энергетика, архи-тектура ва қурилиш, саноатда ахборот-коммуника-ция технологиялари ва автоматлаштирилган бошқа-рув тизими факультетлари фаолият кўрсатмоқда.

Экология

ТОШКЕНТ – ОБОД
ВА ОЗОДА ШАҲАРЎзбекистон Экологик ҳаракати
Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси
билан пойтахтимизда
ободонлаштириш ва тозалик
акцияси ўтказилди.

Унда депутатлар, Тошкент шаҳар табиати муҳо-фаза қилиш қўмитаси, Ободонлаштириш бош бош-қармаси, «Махсустрас» корхонаси, Санитария-эпиде-миология хизмати ходимлари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари иштирок этди.

Ободлик ва озодлик ҳалқимизнинг азалий қадри-ятларидандир. Мамлакатимизда ушбу эзгу аънаналарни давом эттириш, ҳар бир шаҳару қишлоқни сўлим ва обод масканларга айлантириш, одамларнинг фаро-вон турмуш кечириши учун қўлай шароитлар яратиш-га доимий эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг экологик муҳитини ва санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш мақсадида қўлаб тозалик тадбирлари, ободонлаштириш ишлари амал-га ошириладиган бўлиб, бу жараёнда аҳолининг фаоллигини ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар томонидан кенг қўламли тар-ғибот ишлари олиб бориладиган. Натижада пойтахти-мизда экологик мусофоллик таъминланмоқда, яшил худудлар майдони кенгаётирилади.

Яқинда «Economist Intelligence Unit» аналитик ком-панияси ва «BuzzData» тадқиқот фирмаси томонидан ўтказилган янги тадқиқотларда Тошкент дунёдаги энг ўзгал шаҳарлар қаторига киритилгани бу борада амалга ошириладиган ишларнинг халқаро миқёсдаги муҳим эътиборидир. Ушбу рейтингда пойтахтимиз жаҳонда-ги 140 энг кўркам ва обод шаҳарлар орасида 58-ўринни эгаллади ва Марказий Осиё бўйича бу рўйхатга киритилган ягона шаҳар бўлди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Мустақиллиги-мизнинг 21 йиллиги арафасида бу борадаги кайри-лишарни янада кенгаётириш. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида пойтахтимиз қиёфасини янада кўркамлаштириш, ободонлаштириш, бунёдкор-лик ишлари амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилган навбатдаги ободонла-штириш ва тозалик акциясида дарахтарга ёпиштирил-ган реклама ва эълонлар йиғиб олинди, чиқиндилар белгиланган жойга ташиб кетилди. Бундай тадбир-лар ободонлаштириш ишларида аҳолининг масъул-лигини янада ошириш, тозалик ва озодликни ҳар бир инсоннинг қундалик фаолиятига айлантиришга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА



ЎзА олган суратлар

Бугунги автомобиль бозорининг талаби тез ўзгар-моқда. Шу боис Ўзбекистон автомобилсозлари ишлаб-чиқариладиган автомобиллар моделлари қаторини янги, замонавий машиналар ҳисобига кенгайтиришмоқда.

Киши ўз қили билан бирор буюм яратса, меҳнати-нинг махсулидан бир ҳисса қувонади. Мамлакатни бир-ор янги махсулот ишлаб чиқара бошлаганда эса ўн-чандон хурсанд бўлади, қалбдаги дахлдорлик ҳисси кўнгилга гурур бахш этади. Бундан ўн олти йил ав-вал Ўзбекистонда автомобил заводи ана шундай ҳузур-бахш хислар жўш урган эди. Утган йиллар мобайни-да бу йўналишда эришилётган марралардан қувон-чимизга қувонч қўшилиб келмоқда. Бугун мамлақати-мизда янги илгор технологияларни янги жалб қилиш, ишлаб чиқаришда янги инновацияларни қўллаш бора-бора кенгайиб келиб келмоқда. Бугун мамлақати-мизда ишлаб чиқариладиган автомобиллар, бошқа турдаги юксак техникалий махсулотлар тури янада кўпаяверида ва халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлма, фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилаве-ради.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎзА шаҳарлиги

Муқаддас динимизнинг энг муҳим арконларидан бири адо этиладиган Рамазон ойи кириб келди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 17 июлда қабул қилинган «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига биноан эзгулик ва меҳр-муҳаббат, хайр-саховат ва шукроналикка йўғрилган мазкур фазилатли ойни юртимизда кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўрин-босари Абдулазиз МАНСУР Рамазон ойининг халқ-имиз ҳаётидаги ўрни ҳамда мамлакатимизда уни миллий қадриятларимизга мос тарзда нишонлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида Ўзбе-кистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА муҳбири-га қуйидагиларни сўзлаб берди:

Истиқлол шарофати билан юртимизда миллий-дин-ий қадриятларимиз тикланиб, Рамазон, Қурбон хайити каби ибодат ва маросимларни мукаммал адо этиш, фа-зилатли кунлар шарофатида бахтаранд бўлишга кенг йўл очилди. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чи-қиб, муборак Ҳаж ва Умра зиёратларига бориш имкони-ятига эга бўлди. Диний адабиётларнинг нашр қилини-ши, маросимларимиз ва миллий урф-одатларимизни эмин-эркин адо этиш бахтига мушарраф бўлганимиз ва бошқа қўлаб хайрли ишлар амалга оширилдики, бу-нинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Қарор ва ижро

МУБОРАК
ОЙ ШУКУҲИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 17 ию-лда қабул қилинган «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига бу ой билан бо-глик тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам инсонийлик, маънавий поклик, шук-роналик фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда му-қаддас динимизни тиклаш, буюк алломалар, азиз-авлиё-ларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрга-ниш, уларнинг муқаддас қадимжоларини обод этиш бо-расидаги кенг қўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қўлғу ойда амалга ошириладиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўлаб-қувват-лаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳал-лаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўлиб олиб бориладиган ишларни янада қўлайитиришга алоҳи-да эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда ислом дини ри-вожига улкан ҳисса қўшган азиз-авлиёларимизнинг хотираси тикланди. Зиёратгоҳлари обод этилиб, бай- меросини ўрганиш бўйича кенг қўламли саъй-ҳар-катлар олиб борилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу юртдошларимиз қалбда ис-тиқлол берган неъматларга шукроналик, буюк алло-маларимиз хотирасига юксак эҳтиром туйғуларини ку-чайтиради.

Мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигининг таъ-минлангани, жумладан, ислом илмининг ўқитишга ихти-сосланган бир қатор таълим муассасаларининг фаолият юритиши бой тарихий ва маънавий меросимизни ула-лаш йўлида улкан қадамлар ташланганидан далolat-дир. Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти каби олий таълим даргоҳлари, шунингдек, бир қатор ўрта махсус билим юрталарида ёшларнинг ди-ний ва дунёвий илмларни эгаллашига ҳар томонлама пухта шарт-шароит яратилган.

Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирлар юртимизда ҳар йил кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан ўтказилади. Хайит намозлари тинчлик-осойишталикда, ўзаро ҳурмат ва ба-риқенгликда адо этилади. Бу эзгу ишларни муносиб тартибда ўтказишда тегишли ташкилот ва идоралар, ма-ҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатадилар.

Муборак Рамазон ойда юртдошларимиз эзгу иш-ларни амалга оширишга шошиладилар. Аллоҳ таоло-нинг яхши ишлар учун ажру мукофотларини бир неча баробар қўлайитиришга бу кунларни ганимат билиб, хайрли амалларни қўлайитиришга, ўзаро ҳурмат ва ҳам-жиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга, халқимизга хос фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни улуғлашга интиладилар.

Азиз ва муқаррам, ақл соҳибига қилиб яратилган инсон юксак одоб-ахлоқи билан ўзига юклатилган масъулият-ли вазифани бажаришда Рамазон ойи рўзасидан ирода этилган ҳикमतлар қуйидагича: Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган бешта ислом арконлари инсониятни бар-камонликка етакловчи буюк таълимот бўлиб, буларнинг ичида рўза ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб тура-ди. Инсон рўзадорлиги туфайли ҳам руҳий, ҳам жисмо-вий покликка эришади, сабр-қаноатли ва тўрт буюк неъмат – моддий, жисмоний, маънавий-ахлоқий неъмат-лар соҳибига айланади.

Бу қўлғу ва баракотли ойда ҳар бир рўзадор руҳан покланиб, эзгу ниётлар қилмоғи, ахлоқ-одоби ила бош-қаларга ибрат кўрсатмоғи, меҳр-муруватли бўлимоғи дар-кор. Ҳар бир юмушининг одоби бўлгани сингари, мана бу ойнинг ҳам кириб келишини қўтиб олишнинг ўзига яраша одоби бор.

Шундай одоблардан бири бу, аввало, мўмин-мусул-монлар ўрталарида меҳр-муруват, ўзаро ҳамжиҳатлик зиёда бўлиши учун бир-бириндан хабар олиш лозимли-гидир. Беморлардан ҳол сўраш, низолашганлар бўлса яраштириш, кексаларни зиёрат қилиш, муборак қадам-жоларни, қабристонларни ободонлаштириш, ўтганлар-нинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш ҳам шунлар жумласи-дандир.

Мамлакатимизда мўмин-мусулмонлар Рамазон ойда рўза амалларини бажариши учун барча шароитлар яра-тилган. Масжидларимиз обод бўлиб, юртдошларимиз хотиржамликда ўз ибодатларини адо этиб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати ҳамда давлатимиз раҳбарининг миллий-диний қадриятларимиз ривожига қаратаётган доимий эътибори туфайлидир.

Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган ушбу йилда оилаларнинг бахти-саода-ти йўлида ҳар биримиз ўз имконият ва иқтидоримиз доирасида ҳаракат қилмоғимиз зарур. Динимиз ота-намани улуғлашга, қариндошлик ришталарини мустаҳ-камлашга – оилани муқаддас билишга ундайди.

Рамазон ойда саховатпешалик, меҳр-оқибат синга-ри инсонларарлик туйғуларини янада кенгроқ намо-ён бўлади. Ушбу муборак ой бир неча йилдан буён энг улуг, энг азиз байрамимиз – истиқлол тантаналарига тўғри келаётгани унинг шукӯҳи ва руҳини янада ошир-моқда.

Рамазон ойини тинчлик, осойишталик ва хурсандчи-ликда ўтказиш ҳаммамизга nasib этсин. Юртимиз дои-мо тинч, халқимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Матназар ЭЛМУРДОВ

ХАТЛАК ТЕЛЕДУСТУР

(Давоми. Боши 3-бетда)

Ўзбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройботлари»...

00.50 «Кўнгил қўшиқ истайди» 1.00 «Ахборот» /рус/. 1.30 Миллий сериал: «Турмуш чорра-халарида»...

7.30 «Салом, Тошкент!» 8.30 Тошкент тароналари. 8.45 «Ғазал бўлини»...

Спорт 6.00 «Хайри тоғ!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!»...

ntf 03.00 «Мумтоз наволар» дастури 03.30 «Зиё» студияси намойиш этади 04.00 «Дийдор ширин» кўрсатуви...

Россия 18.05 «Поле чудес» 19.00 «Путь героя» 20.00 «Время»...

Ўзбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Ортин бўйлаб» дастури: «Ахборот»...

Ўзбекистон 5.50 «5-55 Оқун» 6.00 «Ватан меҳри» 6.10 «Бахт формуласи»...

9.10 «Интервью» 9.20 «Интеллектуал аукцион» 9.30 «Пойтахт»...

Спорт 6.00 «Хайри тоғ!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!»...

Россия 04.15 Худ. фильм «Простань на том берегу» 05.35 «Сельское утро»...

07.00, 10.00, 13.00, 19.00 Вести 07.10, 10.10, 13.20 Вести-Москва 07.20 Субботник...

Ўзбекистон 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Ортин бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси»...

Ўзбекистон 6.00 «Ватан меҳри» 6.10 «Кулгу» 6.50 «Спортимиз юлдузлари»...

10.35 «Миттвийлар оиласи» 10.55 «Элвин ва бурундуклар-2» 11.00 АНОНС...

8.15 XXX ёзи Олимпиада ўйинларида 10.00 АНОНС. 10.05 «Тренируемся вместе»...

Россия 04.15 Худ. фильм «Простань на том берегу» 05.35 «Сельское утро»...

09.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе 10.00, 13.00, 19.00 Вести 10.10, 13.30, 19.00 Вести-Москва...

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-85. факс: (371) 232-11-39

Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-85. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Наشري етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума куллари чиқади

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума куллари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулда босилди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ ҳар шанба — тозалик куни ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР! Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳалларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзга келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Яккасарой енгил саноат қасб-хушнар коллежи 2012-2013 ўқув йилига иқтисодиёт асослари, математика, информатика, жисмоний тарбия, физика фани ўқитувчилари учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 27-уй. Тел: 255-42-59, 255-99-18.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 21 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилиши бўлганлиги аниқланди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.